

**Ilm kelajagimiz  
ravnaqidir**

**№-3. 2023**



**СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР  
SURKONDARYO: ILM VA TAFAKKUR  
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ  
SURKHANDARYA: SCIENCE AND CONTEMPLATION**



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ

SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY  
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND  
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER

*Илм келажасгимиз равнақидир*

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР  
SURKHANDARYO: ILM VA TAFAKKUR  
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ  
SURKHANDARYA: SCIENCE AND  
CONTEMPLATION

*Илмий мақолалар журнали*

N-3 2023



ТАЪСИСЧИЛАР;  
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ  
МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**Ҳар чорақда 1 марта чиқади.**

**Jurnal 25-05-2020 yil. №11-079  
raqami bilan ro'yxatga olingan.**

O'zbekiston Respublikasi OAK ning 2021 yil  
12 dekabrda № 01-06/25-04 raqamli xati  
asosida ro'yxatga olingan.

Ommaviy axborot vositasi davlat  
ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVONNOMA N-11-079.**

My.gov.uz. Yagona interaktiv. davlat  
xizmatlari portali.  
N 8102-325e-cd96-f50a-53b3-3119-7970

**Hujjat yaratilgan sana: 2020-05-25.**

**Ariza raqami: 19051279.**

**НАШР ИНДЕКСИ 190-111.**

ЖУРНАЛ «ADAD PLYUS» МЧЖ  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Бунёдкор кўчаси 28-уй.  
Босишга рухсат этилди: 07.11.2023.  
Қоғоз бичими 60x84 1/8.  
Босма табоғи 12,0. Офсет босма.  
Офсет қоғози. Адади 100.  
Баҳоси келишилган нархда.  
Буюртма № 19.

Техник ходимлар:  
**Хидиров Холмат**  
**Мамаражабов Ғайрат**  
**Умаров Икром**  
Саҳифаловчи:  
**Қўшоқова Моҳигул**

Таҳририят манзили: Сурхондарё вилояти  
Термиз шаҳри "Баркамол авлод" кўчаси 43 уй.  
tursunovsafullo12@mail.ru  
Тел: 876 223 07 66.  
+99 891 577 90 50,  
+99 894 200 49 55,  
+99 891 229 22 29.

Бош муҳаррир:

Главный редактор:

Chief Editor:

**Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич**  
**Тарих фанлари доктори, профессор**  
**Термиз давлат университети**

Бош муҳаррир ўринбосари:

Заместитель главного редактора:

Deputy Chief Editor:

**Пардаев Тошкенбой Раджабович**  
**Тарих фанлари доктори, доцент**  
**Термиз давлат университети**

Журналнинг илмий котиби:

**Файзуллаева Мавлуда тарих фанлари**  
**доктори, Термиз давлат университети**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тошқулов Абдуқодир  
Каримов Соҳибназар  
Муртазоева Раҳбархон  
Сағдуллаев Анатолий  
Абдуллаев Улуғбек  
Ашуров Адхам  
Дониёров Алишер  
Шамсиддинов Рустам  
Эшов Баходир  
Обломуродов Наим  
Ботирова Халима  
Эргашева Юлдуз  
Бўриев Очил  
Давлатова Саодат  
Ғоффоров Шокир  
Раҳмонов Фаҳриддин  
Қаршиев Ислоҳ  
Турсунов Жавли  
Турсунов Нурулло  
Холмўминов Хусан  
Тўхтаев Абдуғани  
Хайитов Шодмон  
Ирисқулов Олимжон  
Саидов Илҳом  
Якубова Диларам  
Саидов Бахтиёр  
Ақчаев Фаррух  
Усмонов Муртоз  
Қурбонова Манзила  
Исаев Ойбек  
Умаров Икром

**ЖАМОАТЧИЛИК**

**КЕНГАШИ:**

Турдиев Тоштемир  
Убайдуллоева Барно  
Ёрматов Фаҳриддин  
Назирова Бахтиёр  
Қўшбоқов Панжи  
Воҳидов Шодмон  
Қодирова Дилбар  
Раҳимов Баходир  
Юнусова Хуршида  
Менглибоев Акмал  
Хасанова Нодира  
Бобожонова Дилором  
Эшонқулов Абдужаббор  
Алланов Қилич  
Тилеқулов Гауҳар  
Алиқулов Рустам  
Мирзаев Ибодулло  
Панжиёв Нормамат  
Жабборова Шоира  
Чориев Иргаш  
Ҳотамов Очилди  
Туропова Моҳдил  
Муртозоев Бобоназар  
Тошев Камолиддин  
Эргашева Сайёра  
Аҳмедова Гулчехра  
Хидиров Холмат

Грюнбаум “адекват эмас”, деб айтганлар. Питер Медавар эса, унинг психоанализини “қаллоблик” дея атаган. Карл Поппер эса, Фрейд назариясини ғайри илмий деган [13, С.62].

Ҳозирги даврда ҳам Фрейд ғояларини танқид қилувчилар етарлича. Аммо олимнинг ғояларини қўллаб-қувватловчилар ҳам топилади.

Назариялари жуда ғалати, зиддиятли бўлишига қарамай, Зигмунд Фрейд

этнографик ва антропологик материалларни рухий-психологик жиҳатдан чуқур таҳлил қилган ва бу борада ўз гипотезаларини кўркмай илгари суриб асослашга ҳаракат қилган дастлабки психиатрдир. Унинг ғоялари ҳозиргача файласуфлар, этнологлар, маданиятшунослар, психологлар орасида қизгин баҳс-мунозаралар мавзуси бўлиб келмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Анцыферова Л.Н. К проблеме изучения исторического развития психики// История и психология. – Москва, 1971 – С. 80-81.
2. Биография Зигмунда Фрейда // <https://ria.ru/20160506/1426264745.html>
3. Бойдадаев, А. Т. Психоанализда онгсизлик концепцияси ҳақида // <https://moluch.ru/archive/335/74746/> (13.04.2023).
4. Виктор Алимасов. Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати <https://ziyouz.uz/kutubxona/viktor-alimasov-falsafa-yohud-fikrlash/>
5. Влияние психоанализа на этнологические исследования // <https://history.wikireading.ru/208329>
6. Зигмунд Фрейд // <https://ru.wikipedia.org/wiki>
7. Зигмунд Фрейднинг диний қарашлари // <https://oliymahad.uz/18516> (3.02.23)
8. Ибодуллаев, Зарифбой. Асаб ва руҳият. Илмий-оммабоп рисола – Тошкент: «Zamin nashr»,. 2018. – 232 б.
9. Лейбин В. М. Словарь-справочник по психоанализу. - Москва: АСТ, 2010. – 105 с.
10. Личность: теории, упражнения, эксперименты / Роберт Фрейдджер, Д. Фейдимен. – 5-е междунар. изд. – Санкт-Петербург: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2001. – 864 с.
11. Личность, культура, этнос: современная психологическая антропология /А.А.Белик. – М.: Смысл, 2001. – 555 с.
12. Попова М.А. Фрейдизм и религия. – М., 1985. – 200 с.
13. Стефаненко Т. Г. Этнопсихология. – М.: Институт психологии РАН, «Академический проект», 1999. – 320 с.
14. Токарев С.А. История зарубежной этнографии. – Москва, 1978. – 352 с.
15. Фрейд Зигмунд - Тотем и табу. Психология первобытной культуры и религии//[https://royallib.com/read/freyd\\_zigmund/totem\\_i\\_tabu\\_psihologiya\\_pervobitnoy\\_kulturi\\_i\\_religii.html#0](https://royallib.com/read/freyd_zigmund/totem_i_tabu_psihologiya_pervobitnoy_kulturi_i_religii.html#0)

### МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА МУТАХАССИС КАДИРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИ

**Ботирова Ҳалима Эшмаматовна,**  
**“ТИҚХММИ”МТУ, Гуманитар фанлар кафедраси в.б, доценти, тарих**  
**фанлари бўйича фалсафа доктори(Phd)**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Республикамизнинг жанубий ҳудудларида қишлоқ хўжалик соҳасида мутахассисларни жой-жойига қўйиш, етук тажрибали қишлоқ

хўжалик мутахассислари иш тажрибасидан фойдаланмаслик, қишлоқ хўжалик бир қатор муаммоларни келтириб чиқарганлиги танқидий таҳлил қилинган.

**Таянч сўз ва иборалар:** аграр соҳа мутахассислари, қишлоқ хўжалиги, фермер хўжаликлари, мутахассисларни билим даражаси, касбий малакавий қобилияти, деҳқончилик, боғдорчилик.

**Аннотация:** В данной статье критически анализируется дислокация специалистов сельского хозяйства в южные регионы нашей Республики, неиспользование опыта работы опытных специалистов сельского хозяйства, а также то, что сельское хозяйство вызвало ряд проблем.

**Ключевые слова и фразы:** специалисты-аграрии, сельское хозяйство, фермерские хозяйства, уровень знаний специалистов, профессиональные навыки, земледелие, садоводство.

**Abstract:** This article critically analyzes the deployment of agricultural specialists to the southern regions of our Republic, the lack of use of the work experience of experienced agricultural specialists, as well as the fact that agriculture has caused a number of problems.

**Key words and phrases:** agricultural specialists, agriculture, farms, level of knowledge of specialists, professional skills, agriculture, gardening.

Бугун фақат замонавий билим, касб ва малакага эга бўлган мутахассисларгина аграр соҳани қолақликдан олиб чиқиб, мустабид тузумга ҳос иллатлардан қутилиши мумкинлигини ҳаёт тақоза қилмоқда. Малакали ва жаҳон андозаларига ҳос билим кўникмаларни эгаллаган мутахассислар бевосита фаол ишлаш бошлаш туфайли мамлакатимизда Республикада дон мустақиллигига эришиш, ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашни кенгайтириш йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Республикамизнинг жанубий ҳудудларда ҳам қишлоқ-хўжалик соҳасида мутахассисларни жой-жойига қўйиш, етук тажрибали қишлоқ хўжалик мутахассислари иш тажрибасидан фойдаланмаслик, мустабид тузум давридан қолган маъмурий-бўйруқбозлик, қўшиб ёзиш, маҳаллий ҳудудни ер таркиби, тузулиши, ҳосилдорлигини тўлиқ аниқламасдан туриб, режа топшириқлар бериш ҳолатларни

мавжудлиги қишлоқ аҳолисини турмуш тарзини юксалишига асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда эди.

Жанубий ҳудудлар қишлоқ-хўжалигини ривожлантириш учун қулай ер экин майдонлари мавжуд бўлиб, мустабид тузум даврида пахта экинларига асосий эътибор берилиши натижасида, куплаб майдонларга экилган пахта номига экилиб, унга ишлов бериш технологияси пасайиши туфайли ерларни табиий ҳолати бузилиб, ерга ишлов бериш агротехникаси ўз олдига қўйган вазифани бажара олмаслиги сабабли қишлоқ аҳолиси ҳаётида жиддий муаммолар пайдо бўлди. Бунга асосий сабаб мутахассисларга талабни, маъсулиятни эътибордан четга қолаётганлиги ҳамда агорonomia мутахассисларни ишга умуман жиддий қаралмаганлиги сабаб бўлмоқда эди. Қишлоқ-хўжалигининг асосий таянчи бўлган агорonomia соҳаси ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, ушбу соҳа мутахассисларни меҳнатини қадрланмаслиги, янги экин турлари, навларини номига жорий этилиши туфайли қишлоқ-хўжалик маҳсулотларнинг сифат ва самардорлиги талаб даражасида бўлмай, номигагина мустабид тузумни сунги йилларида фақат қоғозларда акс этиб қолди. Айниқса мутахассислар фикр, мулоҳазаларни, таклифларни ҳисобга олмай навларни минтақавий иқлими, тупроқ таркиби ҳисобга олинмасдан мажбур қилиши натижасида навларни мослаштиришда катта хатоларга йўл қўйилди. Натижада ҳосилдорлик пасайиб, навларни кўпроқ четдан олиб келиши туфайли шароитга мослашмаслиги ҳам ҳосилдорликни режа асосида белгиланган ҳолда бажриш имкониятлардан маҳрум қилди. Ана шундай оғир вазиятда қишлоқ хўжалигини тиклаш, бу соҳадаги мутахассисларни қайта тайёрлаш, янги қишлоқ-хўжалиги соҳасида замонавий малакали мутахассисларга бўлган эътиборни давлат дастури асосида тўлиқ амалга ошириш долзарб масала бўлиб, бунинг натижасида ислохотларни самардорлигини ошириш, маҳсулотларни сифат ва қайта ишлаш технологияларни яратиш, энг муҳими қишлоқ-хўжалигини ривожлантиришнинг қонуний асосларни

яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидланганидек – “қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини кескин чуқурлаштириш муаммосини ечиш масаласига алоҳида эътибор берилиди”[1, 403], чунки, қишлоқ хўжалик маҳсулоти мамлакатга валюта тушумларининг 55 фоиздан ортиғини таъминлайдиган муҳим экспорт манбаларидан бири ҳисобланади.

1990 йилларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида мустабид тузумни асоратлари ҳали ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб, аграр соҳа ислохотларни амалга оширилишига тўсқинлик қилиб, эски бошқарув тизимидаги бўйруқбозликга асосланиб, ерга эгалик қилиш, қишлоқ хўжалик транспортларни ўз ихтиёрига тўплаш, атрофига қишлоқ хўжалиги соҳасида билим тажрибаси бўлмаган кишиларни тўплаш, мавжуд бўш ўринларга маълумотсиз, аграр соҳада ўқуви бўлмаган кишиларни жалб қилиш ҳолатлари ачинарли ҳолат эди. Натижада қишлоқларда яшаб, ўқиб аграр соҳада мутахассис бўлган кишлар иш ахтариб ўз касбларни ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Қишлоқ хўжалиги бундай ҳолатларда ширкат, жамоа хўжалиги, фермер хўжаликларида номуахассисларни тўпланиши туфайли серхаражатлик ошиб, ажратилган маблағларни талон-тарож қилиш ҳолатлари купайди. “Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг серхаражат механизми ҳамон устунлик қилмоқда. Бу ишлаб чиқаришда, маҳсулот таннархида номутаносибликни келтириб чиқараёттир. Моддий харажатларнинг ҳаддан ташқари катта бўлишга олиб келмоқда”[1, 407].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мустабид тузум давридаги мутахассисларга нисбатан олиб борган юзаки сиёсати натижасида минглаб аграр соҳа мутахассислари ишсиз қолиб, оилавий иқтисодий қийинчиликларни ўз бошидан кечирдилар. Сурхондарёда 12 минг. Қашқадарёда 15 минг аграр соҳадаги олий маълумотли мутахассислар ишсиз бўлиб, ўз соҳасидан четлаштирилди. Энг ачинарлиси 1991 йилдан кейин аграр соҳада ислохотлар

жорий этилаётган жараёнда ишсиз қолган аграр соҳа мутахассислари ўз ишига қайтарилмай, мутлоқо аграр соҳани билмайдиган курувчилар, ўқитувчилар, савдо ва бошқа соҳа ходимлари аграр соҳага кириб келиб, аграр соҳа бошқарув тизимга жойлашиб олдилар. Бирок, ишсиз ёки иш кутиб турган қишлоқ –хўжалиги соҳасидаги мутахассисларни ўз йўналиши бўйича ишга жойлаштириш давлатнинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди.

Вазирлар Маҳкамаси 1994-1995 йилларда қишлоқ-хўжалиги йўналишида ислохотлар ўтказишга доир ўндан ортиқ қарорлар қабул қилиниб, қарорлар асосида энг муҳим масала мутахассисларни тайёрлаш ва уларни ўз касбий малакавий тажрибаси асосида иш билан таъминлаш долзарб масала бўлди. 1996 йилда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги дастурини яратишдан мақсад «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шунга асосан қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирликлари бирлаштирилди. 1996 йил 3 апрелда Президент томонидан имзоланган «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб қуватлаш чора тадбирлари тўғрисидаги» фармони қишлоқ-хўжалиги соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор тадбирларни белгилаб берди. Натижада қишлоқда аграр ислохотлар ўтказилишдан асосий вазифа соҳа мутахассисларни тайёрлаш долзарб масала қилиб олинган бўлиб, замонавий билимга эга бўлган мутахассислар туфайли мавжуд муаммоаларни бартараф қилиш кўрсатиб ўтилган эди. Аграр соҳада мутахассисларга бўлган талаб эҳтиёжларни аста-секинлик билан таъминланиши натижасида туманлар, фермер хўжаликлар экин майдонлари ва экин турларни ўзгартириб, минтақавий иқлим шароитидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигининг маҳаллий шароитига мос навларни яратиш билан бирга пахта экин майдонларни камайтириш ҳисобига бошқа экин турларни сони ва салмоғини ошириб

бордилар. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринларни яратиш учун Денов туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш йилдан-йилга ошиб бориб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сифат ва салмоғи талаб даражасида ўсиб, туманда 1991 йилда 51 минг 158 тонна, 1995 йилда 48 минг 99 тонна, 2000 йилда 35 минг 513 тонна, 2002 йилда 44 минг 762 тонна пахта етиштирилиб, йилдан-йилга пахта майдонлари ва ҳосилдорлиги камайиб бориши ҳисобида бошқа экин турлари кўпайиб борди. Бу эса мустабид тузум даврида эътибордан қолган иккинчи даражали ҳисобланган полиз-сабзавот ва боғдорчилик-мевачилик қайта тиклаш имкониятини бериши, ушбу соҳада малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласини жиддий кун тартибдаги масала қилиб қўйди.

Натижада, субтиропик худуд ҳисобланган Деновда мевачилик, боғдорчилик, полиз ва сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш йилдан-йилга ошиб, халқ эҳтиёжлари таъминлаб борилди. Деновда 1991 йилда 6 минг 236 тонна узум, 1995 йилда 7 минг 420 тонна узум, 2000 йилда 5 минг 665 тонна узум, 1991 йилда 1 минг 058 тонна кортошка, 1995 йил 93 тонна, 2000 йилда 268 тонна картошка

етказиб берилди. 1991 йилда 8 минг 641 тонна сабзавот, 1995 йилда 6 минг 565 тонна сабзавот, 2000 йилда 1 минг 075 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. 1991 йил 2033 тонна полиз экинлари, 1995 йил 1783 тонна полиз экинлари, 2000 йилда 697 тонна полиз экинлари, “2007 йили Сурхондарё вилоятда 350 минг тонна сабзавот, 76 минг тонна мева, 94 минг тонна узум етиштирилгани ҳам фикрни тасдиқлайди”[2, 303] етказиб берилди.

Хулоса қиладиган бўлса, деҳқонларнинг ерга бўлган муносабати ўзгариб, улар ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларни бозорга сотиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида деҳқончилик ва боғдорчилик тўлиқ фермер хўжаликлари ихтиёрига берилди. Қишлоқ хўжалигида янги мулкӣ тизим ва уларга хизмат кўрсатувчи бирлашмалар, бошқармалар ва корхоналар қайта ташкил этилди. Мустақиллик йилларида амалга оширилган аграр ислохотлар қишлоқ ҳаётини янгилади, деҳқон ва фермерларнинг меҳнатга муносабати, дунёқараши ўзгарди. Улар ернинг ҳақиқий эгасига, ўз меҳнати эвазига етиштирилган маҳсулотнинг хўжайинига айланди.

### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида”. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий мизни барқарор ривожлантириш йўлида”. 16 том. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
3. И.А.Каримов. Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш - олий бурч. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи. Маърифат, 2000 йил 25 март.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. // Қашқадарё вилояти Кенгаши сессиясида 1995 йил 29 ноябрда сўзлаган нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”. 1996.
6. Хомитов К.З. Малакали аграр меҳнат бозорининг шаклланиши (Қашқадарё вилояти мисолида) Иқт. фан.ном. ...дисс. – Тошкент, 1999.

**Чориев Жамшид Шокиржонович**, Термиз давлат университети эркин тадқиқотчиси. *Урбанизациян жараёнларнинг шаҳар аҳолиси кундалик-маиший ҳаётига таъсири* ..... 72

**Наргиза Шоназарова**, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети мустақил тадқиқотчиси. *Замонавий Тошкент шаҳри маҳаллаларининг умумий тавсифи ва таснифи (тарихий ва ижтимоий-демографик таҳлил)* ..... 78

**Қаюмов Алишер Тожиевич**, Термиз давлат университети эркин тадқиқотчиси. *Мўғул империяси томонидан Мовароуннаҳр шаҳарлари эгалланиши* ..... 84

**Гулноза Болтаева**, Термиз давлат университети эркин тадқиқотчиси. *Ўзбек хотин қизларининг ижтимоий- иқтисодий ҳаётдаги иштироки: ўзгаришлар ва муаммолар (XX асрнинг 50-70 йиллари)* ..... 89

**Muxammadiyev Omon Mamataliyevich**, DXX ChQ "Yosh chegarachilar" harbiy akademik litseyi o'qituvchisi. *XIX asr oxiri - XX asr boshlarida Buxoro amirligi janubi-sharqiy hududlarida madaniy-ma'rifiy hayot* ..... 93

**Убайдуллаева Барно Машрабжоновна**, Ўзбекистон Миллий университети “Антропология ва этнология” кафедраси доценти, тарих фанлари доктори. *Зигмунд фрейднинг психоанализ назарияси ва унинг антропология ва этнологияга таъсири* ..... 98

**Ботирова Халима Эшмаматовна**, “ТИҚХММИ”МТУ, Гуманитар фанлар кафедраси в.б, доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(Phd). *Мустақиллик йилларида жанубий вилоятларида қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласи* ..... 104

## ETNOGRAFIYA

**Бўриев Очил**, Қарши давлат университети профессори, **Усмонов Муртоз**, Қарши давлат университети доценти. *Қашқадарё воҳаси аҳолиси этнографиясининг тарихий манба ва адабиётлардаги тавсифи (XIII-XX аср бошлари)* ..... 108

**Турсунов Жовли Нарзуллаевич**. Термиз давлат университети Фуқаролик жамияти кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди. *Жанубий Ўзбекистон аҳолиси хунармандчилигида трансформациян жараёнлар* ..... 115

**Умаров Икромжон Ибрагимович**. Термиз Давлат университетининг Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси. *Боғлидара кураш мактаби тарихи* ..... 121

**Dulanov Otabek Yuldashevich**, Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasida katta o'qituvchisi (PhD). *Surxon vohasida yuz (juz)larning milliy kiyim-kechaklar va zeb-ziynat buyumlari* 124

**Akhmedov Sardor Sayriddin son**, doctor of philosophy (PhD), teacher of the department of world history of Termiz State University. *The Skills of The Tajiks living in The Oasis in Horse and Cattle Breeding..* 128

**Berdiyev Azamat Abdiyevich**, Samarqand viloyat muzey-qo'riqxonasi ilmiy xodimi. *Nurota tizmasi shimoliy yon bag'ri qishloqlarining tarixiy geografiyasi* ..... 131

**Eshmo'minov Ozodbek Ziyodulla o'g'li**, Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasida o'qituvchisi. *Surxon vohasi aholisining migratsion jarayonlari. (1930-1950 yy.)* ..... 135

## «СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР» ЖУРНАЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Журнал тахририятига тақдим этилаётган мақолага 1) муаллиф(лар) ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати; 2) эксперт ҳайъати далолатномаси 2 нусхада; 3) мақола ёзилган фан йўналиши бўйича фан доктори имзолаган (имзо тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) тақриз-тавсия илова қилинади (Изоҳ: Бу талаб четдан келадиган мақолалар учун).

2. Мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилиши мумкин.

3. Қайси тилда ёзилишидан қатъи назар, мақолага уч тилда - ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияси ҳамда таянч сўз ва иборалар (калит сўзлар) илова қилинади.

4. Мақола журнал тахририятига «Microsoft Word» дастурида («Times New Roman» 14 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси бир ярим интервалда) терилган ҳолда икки нусхада, электрон варианты (флешка ёки СБда) билан топширилади.

5. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8- 10 саҳифадан, илмий хабарларнинг ҳажми 4-5 саҳифадан ошмаслиги талаб этилади. Мақоланинг бир нусхаси муаллиф(лар) томонидан имзоланади.

6. Муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, иш жойи, лавозими, у билан боғланиш мумкин бўлган манзил (уй вахизматтелефон рақамлари, электрон почта) кўрсатилади.

7. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, оқ-қора рангларда чизилган бўлиши, аниқ ва равшан тасвирланиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим. Рангли расм, жадвал ва диаграммалари мавжуд мақолалар фақат истисно тарзида, қўшимча ҳаражатларни муаллифлар ҳисобидан қоплаш шarti билангина қабул қилиниши мумкин. Формулалар матнга махсус компьютердастурларида киритилиши керак.

8. Иқтибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатр ости изоҳи тарзида эмас, балки мақола охирида умумий рўйхатда кўрсатилади. Матн ичидаги кўчирмадан сўнг иқтибос олинган асарнинг рўйхатдаги тартиб рақами ва саҳифаси квадрат қавс ичида берилади. Бу ўринда китоб, тўплам, монографиялар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, манбанинг тўлиқ номи, нашр кўрсаткичи (шаҳар, нашриёт ва нашр йили) кўрсатилади. Журнал мақолалари ва бошқа даврий нашрлар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, мақола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳифа номери кўрсатилади.

9. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар тахририят томонидан қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

10. Тахририятга тақдим қилинган мақола энг аввал муаллифлик нуқтаи назаридан текширилади. Матнда плагиат аниқланган тақдирда мақолани кўриб чиқиш тўхтатилади. Тахририят плагиат ҳолати аниқланган мақолалар юзасидан муаллиф фаолият юритаётган муассасага кўчириб олинган манбаларни илова қилган ҳолда ахборот юбориши мумкин. Плагиатга йўл қўйган муаллифларнинг мақолалари кейинги уч йил давомида қабул қилинмайди.

11. Муаллифлик жиҳатидан текширувдан ўтган мақола тахририят томонидан ўрнатилган тартибда тақризга берилади. Мақола тақриздан қайтгач, агар зарур бўлса, барча савол ва эътирозлар бўйича муаллифга қайта ишлаш учун тақдим этилади. Мақола нусхалари муаллифларга қайтарилмайди.

12. Ижобий тақриз олган мақола тахририят томонидан қабул қилинган саналади. Журнал тахририяти мақола матнини қисқартириш ва унга тахририй ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

13. Профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим қилинган мақолалар муайян йўналишлар бўйича тахририят аъзоларининг ёки фан докторларининг тақриз-тавсияси (тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) асосида қабул қилинади.